

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 104-ҳадис

104 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالظَّنَّ، فَإِنَّ الظَّنَّ أَكْدَبُ الْحَدِيثِ». مُتَّقِّعٌ عَلَيْهِ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Гумондан четланинглар. Чунки гумон сўзнинг энг ёлғонидир”, дедилар”.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Мусулмон киши аҳли аёли ва биродарлари ҳақида ёмон гумон қилмайди. Уларни амалларини доим яхшиликка йўяди. Зоро, ёмон гумон разолатга мойил нафсга ва шайтон вассасасига йўл очиши маълумдир. Киши бошқа инсонга нисбатан нотўғри, ёмон гумонга асосланиб, шошилинч ҳукм чиқарса, натижада хижолат бўлиб қолиши ҳам кўп ҳолда кузатилган. Мусулмон киши биродарлари хусусида яхши гумонда бўлиши лозим. Чунки яхши гумон -Ислом умматининг бирлиги асосларидандир. Ёмон гумонда бўлишнинг натижаси- биродарига нисбатан ёмонлик, адоват ва нафратни келтириб чиқаради. Шундай экан, мусулмон кишининг шаънига ёмон гумон қилишдан эҳтиёт бўлмоғимиз лозим.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмонларни ёмон гумондан огоҳлантириш.
2. Гумон- ҳақиқатни очиб бермайди.
3. Гумон -шайтон учун эшикларни очиб беради.
4. Гумонга қурилган гап- ёлғон сўздир.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



